

## А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиши тўғрисида)

\_\_\_\_\_ кун, \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_ туман суди, суд биносида, очик суд мажлисида,  
раислик қилувчи судья \_\_\_\_\_, судья ёрдамчиси \_\_\_\_\_нинг  
котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси \_\_\_\_\_  
тумани прокурорининг катта ёрдамчиси \_\_\_\_\_, айбланувчи  
\_\_\_\_\_ ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган адвокат \_\_\_\_\_,  
жабрланувчи \_\_\_\_\_нинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси  
ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан айбланган:

- \_\_\_\_\_
- 1) жиноят ишлари бўйича Қибрай тумани судининг 2017 йил 24 августдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “б” банди ва 28,211-моддаси 2-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57,59-моддалари тартибида 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Қибрай туман судининг 2020 йил 15 майдаги ажримига кўра, ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмаган 4 ой 4 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган, судланганлик ҳолати тугалланган;
  - 2) жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман судининг 2022 йил 24 июндаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми ва 227-моддаси 2-қисми “а” банди билан ЖКнинг 59,62-моддалари тартибида 1 йил 9 ой 18 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Қибрай туман судининг 2023 йил 5 апрелдаги ажримига кўра, ЖКнинг 46-моддасига асосан ўталмаган 1 йил 9 ой 18 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси шу муддатга озодликни чеклаш жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Қибрай туман судининг 2023 йил 4 декабрдаги ажримига кўра, ЖКнинг 46-моддасига асосан ўталмаган 1 йил 4 ой 2 кун озодликни чеклаш жазоси шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилиб, қидирув эълон қилинган, 2023 йил 5 декабрь куни ушланиб, мазкур жазони ўтамоқда;

\_\_\_\_\_ а яшаган, жиноят ишлари



бўйича Мирзо Улуғбек туман судининг 2023 йил 24 ноябрдаги ажрими билан «шахсий кафиллик» эҳтиёт чораси “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чорасига ўзгартирилиб, қидирув эълон қилинган, 2023 йил 5 декабрь куни ушланиб, қамоқда сақланаётган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олганга

оид [REDACTED]-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

## А Н И Қ Л А Д И:

[REDACTED] йил [REDACTED] т куни, ўзгалар мулкани алдаш ва ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан талон-тарош қилиш мақсадида, [REDACTED] қаршисида бўла туриб, [REDACTED] ни ишончига кириб, ундан баҳоси [REDACTED] сўмлик “ [REDACTED] ” русумли телефон аппаратини ва [REDACTED] сўм пулларини алдов йўли билан фойдаланиб туриш учун олиб, берган ваъдасини бажармасдан, телефон аппаратини қайтариб бермасдан, ҳодиса жойидан яшириниб, телефон аппаратини бошқа шахсга сотиб юборган.

Дастлабки тергов томонидан [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланган.

Суд мажлисида айбланувчи [REDACTED] ўз айбига тўлиқ иқдор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон эканлигини, жабрланувчи [REDACTED] кечирим сўраб, унга етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлигини, жабрланувчи билан ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, унга нисбатан қўзғатилган жиноят ишини тугатишни сўради.

Суд мажлисида жабрланувчи [REDACTED] ярашув тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиб, [REDACTED] билан ярашганлигини, [REDACTED] ундан кечирим сўраб, етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлигини, улар ўртасида ярашув битими ихтиёрий равишда тузилганлигини, айбланувчига нисбатан ҳозирда ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдириб, унга нисбатан бўлган жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар ўз айбига тўлиқ иқдор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддасига мувофиқ, жабрланувчи Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, айбланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши ушбу Кодекснинг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилиши мумкинлиги белгиланган.



Суд, жабрланувчи [REDACTED] ва айбланувчи [REDACTED] внинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, прокурор катта ёрдамчиси [REDACTED], айбланувчи [REDACTED] жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини тинглаб, жабрланувчи ва айбланувчи аризаларини ихтиёрий равишда ёзганлигини, жабрланувчига етказилган зарар қопланганлигини, ярашув битими ихтиёрий тузилганлигини, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ ярашувга тушишини инobatга олиб, суд жиноят иши бўйича иш юритишни Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига кўра айбланувчининг жиноят содир этишда айблилик масаласини ҳал қилмасдан тугатишни, жабрланувчига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддасига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддаси, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84, 401, 423, 582, 583, 585, 586-моддаларига амал қилиб, суд

#### **А Ж Р И М Қ И Л Д И:**

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан айбланган [REDACTED] га нисбатан жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан ярашилганлиги муносабати билан тугатилсин.

[REDACTED] нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва жиноят ишлари бўйича [REDACTED] туман судининг 2023 йил 4 декабрдаги ажрими билан жазо ўтаётганлиги инobatга олинсин.

Айбланувчи [REDACTED] томонидан жабрланувчи [REDACTED] етказилган моддий ҳамда маънавий зарар тўлиқ қопланганлиги инobatга олинсин.

Жабрланувчи [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси талабларига кўра, мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотганлиги тушунтирилсин.

Ажримдан норози томон йигирма сутка ичида туман суди орқали Тошкент шаҳар судига хусусий шикоят, прокурор томонидан хусусий протест келтирилиши мумкин.

**Раислик қилувчи:**

**(имзо)**

[REDACTED]

**Ажрим нусхаси аслига тўғри:** \_\_\_\_\_

